

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

26 март 2018 й.г. № 237

Тошкент ш. – г. Ташкент

Курул-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият турларини ҳамда бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5246-сон Фармонининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Курул-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият турларини ҳамда бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-илова*га мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Отажонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат кўмитаси раиси А.С.Ибадуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

*1-илова рус тилидаги матнда берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 мартдаги
237-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги
236-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини
лицензияловчи органлар рўйхатига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси” бўлиmidан биринчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.
2. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси” бўлиmidан кейин қуйидаги мазмундаги бўлим қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси”

“Қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, ғимояланиш воситаларини, ғарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини (агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса), шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

Бўшаётган ғарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, қўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш”.